



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г. Иштыхан ул. Иштыханская д. 4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2018 у.г «29» декабр

№ 3636-Қ

Ishtixon sh.-г.Иштыхан


2018 йил “Обод қишлоқ” дастурига асосан тумандаги “Шейхлар” МФЙ “Шейхлар” қишлоғи худудидан “Дорихона” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5386-сонли фармони, 2018 йил 29-мартдаги 3630-сонли “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида вилоят шаҳарсозлик кенгаши томонидан тасдиқланган Шейхлар қишлоғи бош режасида ва “Обод қишлоқ” дастурига асосан фуқоро Эгашов Мустафога “Дорихона” қурилиши режалаштирилганлигини ҳамда туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссия аъзоларининг ер танлаш тўғрисидаги далолатномасини ўрганиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”ни 36-моддасига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Тумандаги “Шейхлар” МФЙ худудидаги Шейхлар қишлоғи бош режага мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган ер майдонида “Дорихона” биноси қуриш учун 60.0 кв.метр майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га “Дорихона” бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
4. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

 Ш.Негматов